Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 август шанба

Сотувда эркин нархда № 170 (2208)

**Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни йўллайман.

Саккиз йил муқаддам мустақиллик эълон қилинган пайтдан буён Ўзбекистон машаққатли, аммо буюк йўлни босиб ўтди. Германия аввалбошданоқ бу йўлда Ўзбекистонга ҳамроҳлик қилди.

Шу давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб борди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик ва барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сиз Ўзбекистон парламентининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган катта маърузангизда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этишни мамлакатнинг келгуси асрга ўтишидаги энг муҳим йўналиш, деб атадингиз. Мана шу мақсадларга эришиш йўлида Сиз бундан буён ҳам Германия тимсолида ишончли шерикка эга бўласиз.

Келажакдаги бу шарафли йўлни босиб ўтишда Сизга ва мамлакатингизга барча эзгу истакларни тилайман.

Эҳтиром билан

**Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг ғоят самимий қутловларимни зўр мамнуният билан йўллайман.

Мен шу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига шахсан омон-эсонлик, Ўзбекистон халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

**Томас КЛЕСТИЛЬ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллаш менга зўр мамнуният бахш этади ва бу қутловларга Гвинея халқи ва ҳукумати қўшилади. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган истакларимни ҳамда Сизга бўлган юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этишни истардим.

**Генерал Лансана КОНТЕ,**
**Гвинея Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Фахрий фан доктори Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси тақдиридаги энг ёрқин ва муҳим сана, ажойиб байрам — **Мустақиллик куни** муносабати билан Сизни ва бутун ўзбек халқини Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Илмий Кенгаши ва Плеханов Академиясининг бутун жамоаси номидан муборакбод этамиз.

Инсон ҳаёти мезонлари бўйича бу қисқа муддат, албатта, аммо у Сизнинг республикангиз учун тикланиш даври, ўзбек халқининг қадимий анъаналарини ривожлантириш ва сақлаб қолишдан иборат ўзининг ноёб тажрибасини тўплаш даври бўлиб қолди. Шу вақт ичида республика ўзининг бетакрор қиёфаси — мустақил давлат қиёфасига эга бўлди ва бундан буён ҳам самарали ривожланишга рағбат олди.

Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг жамоаси Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги муваффақиятларини ҳамда унинг Марказий Осиё ва жаҳондаги мавқеини зўр эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб бормоқда. Шуни қайд этиб ўтиш қувонарлики, ўзбек халқи ўзининг миллий байрамини мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш йўлида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Сиз Академиямизнинг Фахрий фан доктори эканлигингиз билан фахрланамиз ва Сизни тўла асос билан жамоамизнинг аъзоси, деб ҳисоблаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар ва албатта, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга ҳамда бутун ўзбек халқига мустаҳкам соғлик, бахт-саодат тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан

**В. И. ВИДЯПИН,**
**Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Президенти, академик.**



## АМУДАРЁ ЭНДИ ТЎСИҚ ЭМАС



***Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган транспорт йўлларидаги энг йирик табиий тўсиқлардан бири барҳам топди — Амударё устига қурилган автомобиль кўприги мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистонни тенг иккига бўлиб оқадиган асов Амударё соҳилларини бирлаштирган замонавий темир-бетон автомобиль кўприги аслида ёнма-ён жойлашган, лекин йиллар давомида йигирма бир километр ортиқча йўл босиб, тор ва ноқулай йўлдан юрган Нукус ва Хўжайли туманлари аҳолисининг узоғини яқин қила бошлади.***

Умумий узунлиги бир минг икки юз олтмиш метр бўлган ушбу кўприкнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўрта Осиёнинг энг узун ва йирик дарёси устида шу вақтга қадар фақат битта автомобиль кўприги қурилган эди. У ҳам бўлса собиқ шўролар салтанатининг империяпарастлик манфаатларига хизмат қилган ва Афғонистонга қўшин киритиш учун фойдаланилган Ҳайратон кўприги эди. Зотан, шўролар мамлакати ҳеч қачон Ўзбекистон халқи манфаатини ўйлаган эмас.

Халқ манфаатларини ўйлаб қурилиш бошлаш фақат юртимиз мустақилликка эришгандан кейингина мумкин бўлди. Амударёнинг икки қирғоғида яшаётган аҳолининг ўзаро борди-келдиси беҳад қийинчилик билан кечаётгани, минтақани иқтисодий ривожлантириш режалари мунтазам автомобиль алоқасининг йўқлиги туфайли бажарилмай қолаётгани боис, мамлакатимиз раҳбарияти замонавий кўприк қурилишини тез муддатларда тугатиш вазифасини қўйди.

Муҳандислик нуқтаи назаридан ўта мураккаб бўлган бу иншоотни тиклашни қорақалпоғистонлик қурувчилар ўз зиммасига олди. Асосий пудрат ишлари 14-кўприк қуриш отряди томонидан бажарилган бўлса ҳам, уни бунёд этишда Қорақалпоғистоннинг деярли барча қурилиш ташкилотлари фаол иштирок этди. Бир йилга яқин муддат ичида "Ўзавтойўл" ва "Қорақалпоқавтойўл" давлат акционерлик жамиятларининг қурувчилари салкам бир ярим миллиард сўмлик маблағни ўзлаштирди. Лекин бу осонликча бўлгани йўқ. Узунлиги ўттиз уч метрлик темир-бетон тўсинларни ташиб келиш ҳам, ўрнатиш ҳам мураккаб жараёндир. Бетизгин Амударё тубига қоқилган айрим устунларнинг узунлиги қирқ олти метргача борди. Кўприкдан амалда ҳар қандай оғирликдаги юкларни олиб ўтиш мумкин. У бир кеча-кундузда қирқ мингдан зиёд автомобиль ўтказиш қувватига эга.

Кўприкнинг очилиш маросими катта тўйга айланиб кетди. Ҳам асфальти, ҳам бўёқлари ярақлаб турган улкан кўприк ёнида кенг жамоатчилик вакиллари — юрт аҳли йиғилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзавтойўл" давлат акционерлик концерни бошқаруви раиси Р.Юнусов кўприкнинг рамзий калитини Нукус ҳамда Хўжайли туманлари ҳокимларига топширди. Объект қурувчиларига, жамики қорақалпоғистонликларга шундай муҳим воқеа муносабати билан Президентимизнинг саломи ва табригини етказди. Шунингдек, йиғилишда мазкур кўприк Шарқ ва Ғарбни боғловчи трансконтинентал автомобиль йўлининг энг муҳим иншоотларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Халқаро миқёсда режалаштирилаётган Шанхай-Париж, Ляодун-Роттердам автойўллари ҳам ушбу кўприк орқали ўтади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов маросимда сўзга чиқиб, "Халқимизни ҳам қувнатган, ҳам қийнаган Амударё устидан ўтказилган ушбу кўприк эндиликда нафақат Қорақалпоғистоннинг, балки бутун Ўзбекистоннинг манфаатларига хизмат қилади. Бу кунни қорақалпоқнинг асрлик армони ушалган кун, десак хато бўлмайди", деб таъкидлади. Кўприкнинг очилиш тантаналарида сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари халқнинг турмуш тарзини янада енгиллаштирадиган қурилишларга бошқош бўлиб турган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор қилди. Маросим сўнггида иштирокчилар номидан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига Миннатдорлик мактуби қабул қилинди.

Кишилик жамиятининг тарихи бир ҳолдан гувоҳлик беради. Тез бойишни истаган одам тижорат билан машғул бўлар экан. Ҳам тез бойишни, ҳам тўла ривожланишни истаган давлат эса аввало йўллар, кўприклар қуриб, савдо ва маданий алоқаларни осонлаштиришга интилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ йўллар қуришга, халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга интилаётгани танланган йўлимизнинг тўғри, келажагимизнинг буюк эканига яна бир далилдир. Нукус шаҳри яқинида Амударё устига қурилган замонавий кўприк эса бунинг яққол исботи бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**
**Р. ЖУМАНИЁЗОВ**
**олган суратлар.**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИДА

**Шу кунларда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда. Унда Олий Мажлис XV сессияси якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилаётир.**

Навоий вилоят Кенгашида вилоят ҳокими Ғ.Дилов қилган маърузасида Президент, парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловларни демократик тамойиллар асосида ошкоралик ва адолат устуворлиги шароитида ўтказишни таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Сессияда сайлов ўтказувчи округлар тузишга қарор қилинди ва вилоят сайлов комиссияси тасдиқланди.

* * *

Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Э.Рўзиев сўзга чиқиб, Олий Мажлис XV сессиясида Юртбошимиз маърузасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш зарурлигига эътиборни қаратди. Сессияда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини белгилаш ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясини тузиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими С.Ҳусенов маъруза қилиб, сайловларни юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказиш, сайлов участкалари ва округларида ишлашга жонкуяр кишиларни жалб этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Сессияда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси тузилди.

* * *

Жиззах вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқиб, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида тўхталди. Вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш юзасидан қарор қабул қилинди.

* * *

Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Ш.Бегматов сўзга чиқиб, бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди. Сессияда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси тузилди.

**(ЎзА)**

### Ўзбекистон Қаҳрамонлари

## ЕРДАН ЮЛДУЗ ТОПГАН ОДАМ

Пахтачида қаҳрамонлар кўп. Барининг танглайи пахта билан кўтарилган. Фақат бу галгиси сал бошқача. Дўстмурод Абдуллаев қарийб ўн беш йилдан бери ғалладан 50-55 центнердан ҳосил олади. Мана, бугун у Ўзбекистон Қаҳрамони. Келинг, яхшиси, ҳаммасини бир бошидан бошлайин.

«Нексия» ёзнинг жазирама иссиғини писанд қилмай текис йўлдан елдек учиб бормоқда. Қадим Самарқанддан ўтиб, катта йўлга чиқдик. Йўл чети тутзорлар, унинг ортидан бепоён далалар, пурвиқор тоғлар. Қуёш уфққа бош қўяётган дамда атрофни кузатсангиз, дилингиз яйрайди. Кўзингиз қувониб, вужудингиз тин олади. Дунёнинг бутун ташвишларини унутасиз.

— Туманимизни вилоятда «пахтачилик академияси» дейишади. Дарҳақиқат, бизда пахта илмининг «академиклари» кўп, — дейди туман ҳокими ўринбосари Баҳриддин Назаров. — Дўстмурод ака олий унвон олиб, элимизни яна бир бор улуғлади.

Гурунг билан андармон бўлиб, туманнинг Р. Маҳмanов номли ширкат хўжалигига етганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Мана, мен излаб келган хонадон, учратмоқчи бўлган Қаҳрамон.

Салом-аликдан сўнг ҳовлидаги супага кўтарилдик. Сариқдан келган киши сўзамол бўлади, дейишарди. Лекин Дўстмурод ака ўн гапирсанг, бир жавоб берадиган кўринади. Шунинг учун ҳазиллашиб ўзим бошладим:

— Мухбирлар ҳам безор қилгандир, ака.

— Йўғ-е, ундай деманг, — дейди ҳазилимни чинга олиб, — бизнинг эшигимиз меҳмонларга ҳамиша очиқ.

Чиндан ҳам бир пасда беш-олти одам йиғилди. Ўзбекчилик шу-да, меҳмон келса уйи тўлиб кетади. Дўстмурод ака уларни кўриб, хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмайди. Балки шу дамда яна ўша кунги ҳаяжон эсига тушгандир...

Деҳқоннинг феъли шундай, хирмони тўлса кўнгли тўлади. Аслида Дўстмурод



ака далани экишга кафтдек тайёрлаган пайт бир ўсади, уруғ бир текис униб чиққанда ўзи ҳам қўшилиб ўн ҳисса ўсади. Кўкламда буғдой поялари белга ургандаги қувончини-ку, қўяверасиз. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳар гектаридан 55 центнердан ошириб хирмон кўтарди-ю, кўнгли сал жойига тушди. Гапнинг индаллосини айтганда, хушхабар бутун мамлакатга тарқалганида ҳам Дўстмурод ака ўз даласида эди.

Оддий деҳқон Ўзбекистондай мамлакатнинг Қаҳрамони бўлди. Шунда... қувончдан кўзлари порлаб, бутун халққа, Президентга, ҳукуматга раҳматлар айтди.

Кейин...кейин уйи меҳмонга тўлиб кетди. Қутлагани бутун қишлоқ йиғилди, жами эл тўпланди-ёв.

Ниҳоят, Дўстмурод ака очилди:

— Мен сизга айтсам, ишлайдиган замон келди-да. 1973 йилдан бери ерга оға тутунганман. Орада институтни ҳам тугатдим. Ўзим агрономман. Ишлайверсангиз, деҳқончиликнинг устаси бўлиб кетарkансиз. Қачон шудгорлаш, қачон экиш, суғориш, йиғиб олишни худди беш қўлдай билиб қоларкансиз. Мен сизга айтсам, шу мустақилликдан сўнг бошқача бўлдида. Аввало, деҳқонга эркинлик берилди, энди ерга ўзимиз хўжайинмиз. Иккинчидан, қанча яхши ишласак, шунча кўп даромад қиламиз.

Дўстмурод ака билан узоқ гурунглашдик. Мен бу гаплардан яна бир бор англадимки, деҳқоннинг меҳнати — ҳалол меҳнат. Унинг сўзларидан эркинлик катта имконият эканини, эркинлик эса Қаҳрамонликка етаклаганини илғаб олиш қийинмасди. Бу одам Ватаннинг, юртнинг мустақиллиги ҳақида ўраб-чирмаб, бизга ўхшаб баландпарвоз гапларни шариллатиб гапира олмаса-да, кўнглининг тўридаги тоза ниятларнигина айтди, холос. Ҳеч қанақа сунъийлик йўқ. Эшитиб одам зерикмайди. Ҳаммаси жайдари, содда. Энг муҳими, ҳаммаси юракдан чиқарди. Хўп яхши гаплар бўлди.

Қаҳрамон билан хайрлашиб, йўлга чиқдим. Кўҳна ва навқирон Самарқандга қараб кетарканмиз, ҳамроҳим Шодиёр ака тўғри айтди:

— Бугун ҳалол меҳнат қилган қадр топади. Дўстмурод акага берилган унвон ҳамма деҳқонларимизники. Унинг ютуғи бутун самарқандликларнинг ютуғидир.

**Фарҳод УСМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мажмуанинг сайёр мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуининг Наманганда бўлиб ўтган сайёр мажлисида Наманган вилояти истеъмол бозорини хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш муаммолари муҳокама қилинди.

Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов мажлисни очиш чоғида бозорни вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди. Хусусан, вилоят ҳудудида гугурт, чойни қадоқлаш фабрикалари, қанд ишлаб чиқарадиган кичик заводлар муваффақиятли ишлаётгани таъкидланди.

Мажлисда сўзга чиққан республика Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан бойитиш юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо берди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашга доир чораларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Соҳибқиронга эҳтиром



"Шарқ тароналари" иккинчи Халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга юксак эҳтиром рамзи сифатида унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Самарқанднинг етти иқлимга машҳур тарихий обидаларини ҳаяжон билан кўздан кечирдилар. Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуаси, "Руҳобот" қадамжоси, Улуғбек расадхонаси ва унинг хотира музейидаги ўтмиш нафаси, аждодлар томонидан яратилган беқиёс санъат намуналари зиёратчиларни ғоят ҳайратга солди. Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий масжид-мажмуасига ташриф фестиваль иштирокчиларига бир олам таассурот бағишлади.

Юртимизда маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, қадимий меросни кўз қорачигидек сақлаш, уни ўрганишга катта эътибор қаратилаётганлигидан улар чексиз мамнун бўлдилар. "Сиёб деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятида бўлган меҳмонлар ҳайратини яна бир бор яшира олишмади. Улар бободеҳқонлар пешона тери билан етиштирилган сархил ёз неъматларини татиб, юртимиз замини сахийлигига тасаннолар айтдилар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Зилзила оқибатлари тугатилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув гуруҳи Туркия республикасининг Сакария шаҳрида зилзила оқибатларини тугатишга доир ишларни давом эттирмоқда. Қутқарувчиларимиз Апазор вилояти губернаторининг илтимосига биноан шаҳарнинг марказий кўчасидаги иккита кўп қаватли уй ва меҳмонхона вайроналарини тозалашда иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот марказининг хабар қилишича, бу вилоятда республикамиздан борган гуруҳ билан биргаликда Исроил, Миср, Болгария, Бельгия, Франция ва Озарбойжон қутқарувчилари ҳам ишлашмоқда.

Ўзбекистонлик қутқарувчилар гуруҳи Туркияда иш бошлагандан буён маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда вайрон бўлган 15 та кўп қаватли бинони текширдилар.

Вайроналарни тозалашда гуруҳ бу ерга олиб келган махсус авария-қутқарув машиналаридан фойдаланилмоқда. Маҳаллий маъмурлар мутахассисларимиз иши самарадорлигини ошириш учун уларнинг ихтиёрига 70 нафар кўнгилли қутқарувчи ва 10 нафар ҳарбий хизматчини ажратдилар.

Қутқарувчилар лагерида дала тиббий пункти очилди, маҳаллий аҳоли тиббий ёрдам олиш учун шу ерга келмоқда.

Қутқарувчиларимиз Туркияга Ўзбекистон Қизил Ярим ой миллий жамиятининг инсонпарварлик ёрдамини олиб борган эдилар. Шаҳар валисининг қарорига биноан бу ёрдам Сакария зилзила оқибатларини тугатиш штабига топширилди.

**(ЎзА)**

“ЎЗАГРОСУҒУРТА”

КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ,
ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ
ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН
УЛУҒ БАЙРАМ —
МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ
КУНИ БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
БАРЧАГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК
ВА БАХТ-САОДАТ
ТИЛАЙДИ.

ТЕЛ.: 133-32-33, 133-35-20.

OCHIQ JAMIYAT INSTITUTI
KO’MAK JAMG’ARMASINING
O’ZBEKISTONDAGI VAKOLATXONASI
O’ZBEKISTON XALQINI
MUSTAQILLIKNING 8 YILLIGI
MUNOSABATI BILAN MUBORAKBOD ETADI!

SIZLARGA TINCHLIK,
BAXT VA
FAROVONLIK TILAYDI!

Ф/2084

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИ МУБОРАК,
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР !

*Ҳурматли муассислар ва қадрли акциядорлар, муҳтарам мижозлар ва азиз ҳамкасблар !*

*Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат “Пахта-банк” Кенгаши ва Бошқаруви номидан Сизларни*



ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
САККИЗ ЙИЛЛИГИ
БАЙРАМИ
БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ !

*Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик-тотувлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз !*

*Ўзбекистон давлатининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва халқ турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатингизда омад ёр бўлсин !*

“ПАХТА-БАНК” КЕНГАШИ “ПАХТА-БАНК” БОШҚАРУВИ

LL@2027

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ

Азиз юртдошлар!
Кириб келаётган Мустақиллик байрами
Сизнинг уйингизга тинчлик, бахт ва омад келтирсин.
Бизнинг гўзал Ватанимиз равнақи
учун қилаётган ишларингизда Сизга
муваффақият тилаймиз.
Унинг тараққиёти ўз қўлимизда!

UZDUNROBITA cellular
БИЗ БИЛАН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО АЗ

ERICSSON



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ УЛУҒ АЙЁМ –
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ҲАР БИР ОИЛАГА ТИНЧЛИК ВА
ОСОЙИШТАЛИК ТИЛАЙМИЗ!

Энг муҳими — бу ўзаро муомала.
Қолгани эса — технология.

It's about communication between people.
The rest is technology.

2089

# РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА КОЛЛЕЖ

Тайлоқ туманидаги республика олимпия заҳиралари билим юртининг фаолият кўрсатаётганига анча бўлди. Ана шу даврда бу спорт даргоҳи қалдирғочларидан 20 нафарга яқин жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқди.

Янги аср бўсағасида билим юрти олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан «1995-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида» қарор қабул қилиниши спорт масканида ишларнинг юришиб кетишига йўл очди. Қўшимча бинолар барпо этилди, мавжудлари қайтадан тўлиқ таъмирланди.

Аҳамиятли томони шундаки, Тайлоқдаги мазкур коллеж республикада ягонадир. Кеча ушбу коллежнинг очилиш маросими бўлди.

**Абдурасул САТТОРОВ.**


## СВЕДАЛА ИНДУСТРИ АБ КОМПАНИЯСИ

**Меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан чин юракдан қутлайди. Сведала компанияси (Швеция) шу кунларда республика ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларга юқори баҳо берган ҳолда Ўзбекистон халқи билан ҳамнафас эканлигини изҳор этади. Биз жаннатмакон ўзбек ўлкасига қалбан миннатдорчилигимизни эътироф этиб, унинг халқига фаровон ҳаёт ва янада гуллаб-яшнашини тилаб қоламиз.**

**Сведала Индустри АБ компанияси ер ости қазилма бойликларини қайта ишлаш, етказиб бериш ҳамда қурилиш учун ускуна ва тизимлар ишлаб чиқаришда жаҳоннинг энг етакчи компанияларидан биридир. Компания ваколатхоналари 145 дан зиёд мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда.**

SVEDALA

**Сведала, Ўзбекистон, 700017, Тошкент ш., Шароф Рашидов кўчаси, 15а,. телефон: (3712) 34-41-16, факс: (371) 139-10-13.**

LL@921




©/2090




U-TEL® Рубикон Вайерлесс Коммуникейшнс - Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг рўйхатдан ўтказилган савдо белгиси.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Марказий савдо-сотиқ офиси:** Гагарин кўчаси, 40. | 126 77 00 | "ALISHER" супермаркети ("Intercontinental" қаршисида) | 126 77 07 |
| **Савдо шохобчалари: "DUNYO"** супермаркети (собиқ "Болалар дунёси") бекати | 126 77 01 | "Совғалар" дўкони (консерватория қаршисида) | 133 32 29, 126 77 08 |
| **"ARDUS"** супермаркети ("Зарафшон" ресторани) | 126 77 03 | Шартнома имзолаш учун вакилни бепул таклиф қилиш | 126 77 02. |

*Ҳаммага ёқади, ҳамма учун қулай!* ®

уяли алоқа U-TEL RUBICON

Лицензия № 0009-402

2069

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида «Диспут-клуб»нинг республика ОАВ вакиллари билан илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқий давлатда бош масала — қонун устуворлиги эканлиги, журналистларнинг самарали фаолияти учун яратилган ҳуқуқий асосларга амал қилган ҳолда, уларнинг ижросини таъминлаш, шу соҳа мутахассислари билан мавжуд муаммоларнинг меъёрий ечимини топиш, ўзаро фикр алмашиш, хорижий ҳамкасблар тажрибаси билан танишишга қаратилганлиги таъкидланди.

Тадбирда Германиянинг Гумбольд номидаги Берлин университети аспиранти Доминик Франц йиғилганларни немис журналистикасидан хабардор қилди. Шундан сўнг мамлакатимизда қабул қилинган ОАВ тўғрисидаги қонунлар ва уларнинг амалдаги ижроси хусусида баҳс-мунозаралар бўлди. Журналистлар соҳага оид меъёрий ҳужжатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Оқил АБДУАЗИМОВ.**

# ОДАМЛАР ВА БОЗОР ИСЛОҲОТИ

***Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида 160 минг аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти агросаноат мажмуида меҳнат қилиб, у ёки бу тарзда қишлоқда юз бераётган бозор иқтисоди ислоҳотларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.***

***Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги даврида туманда бешта ширкат хўжалиги юзага келиб, тобора ривож топаяпти. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ тумандаги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 60 фоизини етказиб бермоқда. Бу ерда тўртта йирик ҳиссадорлик жамияти дунёга келди. Уларда паррандачилик йўлга қўйилган, мўл-кўл чорва озуқаси етиштирилмоқда, мевачилик ва сабзавотчилик барқ уриб равнақ топмоқда. Фермер хўжаликлари сони ўсиб бориб, бугун улар 68 тага етди.***

***Корхоналарда, хўжаликларда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларида меҳнат қилаётган минглаб қибрайликлар Мустақиллик байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.***

## «Байткўрғон» замини саховатлари

Деҳқончиликка иши тушмаган кишига «Байткўрғон» ширкат хўжалигида 1030 гектар экин майдони мавжуд, деган маълумот деярли аҳамиятсиз туюлиши мумкин. Бу кўпми ёки озми?



Муҳими, бошқа томонда: унинг ҳар бири гектари не чоғлик баракали; ҳосилдор?

Собиқ жамоа хўжалигининг ширкат хўжалигига айланганига бор-йўғи беш ой бўлди. Бироқ қисқа муддатдаги бу ўзгариш бари-бир ўз самарасини бермоқда. Мана, далиллар: йилнинг баҳор ойларида юз берган қора совуқ 200 гектардан кўпроқ майдондаги боғлар ва токзорларга катта зарар етказди. Помидор экинларини совуқ урди. Оилавий пудратчилар уларни дарҳол қайта экдилар. Вақти келиб, етиштирилган мўл-кўл помидор ҳосили эса кўнгилларини қувонтириб юборди. Дончиликнинг ҳам баракасини берди, ғалладан бўшаган ерларга кечиктирилмасдан лавлаги, карам, тариқ, мош экилди. Натижа ёмон бўлмади. Хўжалик буғдой, полиз, саримсоқпиёз ва пиёз маҳсулотларидан ўтган йилга нисбатан 1 миллион сўм кўп даромад қилди. 1998 йилнинг якунларига кўра, «Байткўрғон»ликлар 12,5 миллион сўм соф даромад олдилар. Хўжалик аъзолари июль ойигача бўлган иш ҳақларини тўла олдилар. Жумладан, сабзавоткорларнинг ойлик маоши 10 минг сўмдан 20 минг сўмгача етди. Бунинг устига, йил якунларига кўра, хўжаликдаги ҳар бир ширкатчи ўзига бириктирилган ерга экилган биринчи ва иккинчи ҳосилни сотишдан тушган умумий даромаднинг яна 10 фоизига ҳам эга бўлди.

Хўжалик аъзоларида шахсий меҳнатдан манфаатдорлик туйғуси тобора чуқурлашмоқда. Бунинг сабаби тушунарли. Масалан, экин ерлари оилавий пудратчилар тасарруфига бир йил, ярим йилга эмас, балки тўла-тўкис беш йилга берилди. Энди одамлар ўз ихтиёрларидаги бу майдонлардан мумкин қадар унумдор фойдаланиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳар бир ҳовлида уч-тўрттадан сигир боқилмоқда. Улардан соғилаётган сутни тайёрловчилар қишлоқнинг ўзига келиб олиб кетишаяпти.

«Байткўрғон»да иш ҳақини тўлашнинг чек усули жорий қилинган.

— Чек усулининг афзаллиги кўп, — дейди хўжалик раиси Абдулҳаким Қосимов. — Бу усул ширкатнинг ҳар бир аъзосини (улар жами 416 киши) ўз ишини оқилона режалаштиришга қизиқтириб қўйди, ёзилган чекка қараб ширкатчи қанча даромад қилганлиги ва уни қандай ишни бажарганлиги учун олаётганлигини аниқ билиб олади. Хўжалик бошқаруви эса маблағлар ҳисоб-китобини аниқ йўлга қўйди, тежамкорликка ҳам имкон топмоқда.

**СУРАТДА: оилавий пудратчи Т. Шораимов даласида лавлаги йиғими авжида.**

## Ибратли фермер хўжалиги

Биз учун ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ва улар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Улар биз билан ҳамкорлик ўрнатиб, гоҳида холисона ҳомийлик кўрсатиб, ривожланишимизга кўмак бериш билан бир қаторда бизнинг равнақ топаётган бозоримизда ўз технологияларини ҳам жорий этмоқдалар.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган Исроил-Америка лойиҳаси халқаро ҳамкорликнинг яхши намуналаридан биридир. Жумладан, шу лойиҳа асосида туманда ташкил этилган сутни қайта ишлаш фермер хўжалиги бунинг жонли исботи бўла олади.

Беш йил олдин ташкил топган «Солиқ» фермер хўжалиги бошқарувини отасидан қабул қилиб олган Олимжон Ҳайитов ўзининг тижоратчилик, тадбиркорлик тажрибасига таяниб, хорижий тадбиркорлар билан алоқа замонавий фермер хўжалигини вужудга келтиришга катта имкон беришини ўз вақтида англаб етди.





Исроиллик тадбиркорлар лойиҳаси асосида сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган митти завод жиҳозлари сотиб олинди, сут соғиш, бошқа техникалар, ҳатто замонавий компьютер ҳам харид қилинди. Харажатларни эса АҚШ сармоячилари ўз зиммасига олди.

Мана, бир ярим йилдирки, Ўнқўрғон қишлоғида, собиқ дўкон биносида жойлашган митти завод фаол ишлаб турибди. Фермадаги қорамоллар сони 120 тага етди, ижарага олинган 22 гектар ерда ем-хашак етиштирилмоқда.

Цех ҳар куни 3 тоннадан кўпроқ сут маҳсулотларини гигиена талабларига тўла жавоб берадиган тарзда қадоқламоқда. Булар — аъло сифатли уч хил йогурт, пишлоқ, парҳезбоп творог, қайнатилган сут, қаймоқ ва бошқалардир.

Ўзида ҳам фирмани, ҳам митти заводни бирлаштирган «Турон-97» масъулияти чекланган жамият бошлиғи О. Ҳайитов шундай дейди:

— Шу кунларда болалар муассасалари, супермаркетлар, меҳмонхоналарнинг буюртмаларини бажараяпмиз. Харидорларнинг эҳтиёжи ва диди биз учун қонун. Биров оддий сузмани хуш кўради, бошқаси эса унга саримсоқпиёз, қалампир, кўкатлар қўшилишини хоҳлайди. Гап йўқ. Ҳаммасини бажарамиз.

Фермер хўжалигида 20 га яқин одам ишлайди. Кўпчилиги ёшлар. Улар замонавий иш юритиш тажрибаларини тобора чуқур эгалламоқдалар.

**СУРАТДА: (чапдан ўнга) лаборантка Л. Хўжаева ва митти завод бош технологи С. Тўраева «Турон-97» фермер хўжалиги маҳсулотлари сифатидан мамнун.**

## Жиҳоздан — мўмай даромад

Ўзбекистон — меваларга бой ўлка. Самарадорлик эса бундай маҳсулотларни харидорларга нечоғлик дид билан, сифатли етказиб беришга жуда-жуда боғлиқ. Айниқса, ташқи бозорга.

Замон бу борада ўзининг юксак талабларини қўймоқда. Шу важдан тадбиркор Акмал Мақсудов Туркияда бўлиб, у ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан қизиқди, жумладан, бу маҳсулотларни қадоқлаш, ўраш, харидорга етказиш усулларини астойдил ўрганди.

Ўтган йилнинг май ойида эса 220 минг АҚШ доллари миқдорида лизингли кредитни расмийлаштириб, тара тайёрлаш бўйича Туркиядан яримавтомат технология линиясини харид қилди. Бу жиҳозни олишда унга «Ўзбеклизинг интернейшнл» акциядорлик жамияти кўмаклашди. Қибрай тумани тайёрлов идорасининг биноларидан бирига ўрнатилган мазкур технологик линия 1998 йилнинг май ойида ишга туширилди.

Хуллас, «Акмал Лазиз ўғли» хусусий фирмаси ҳозирча республикада халқаро андозаларга тўғри келадиган тахта-ёғоч тараларни ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Бундай буюмга эҳтиёж катта. Шу боис, фирма бир йилдаёқ қарзларини тўла узди. Таралар тайёрлаш учун хомашёни топишда фирмага «Тошўрмонхўжалиги» ташкилоти кўмаклашмоқда. Линиядан ҳар 5-7 секундда оғирлиги 1,2 килограмм, ғоятда енгил, бежирим кўринишли қутилар чиқади. Бир кунда 3 мингтагача қути тайёрланмоқда. Уларнинг нархи одатдагилардан икки баравар арзон.

— Цех қувватини оширишга тўғри келмоқда — дейди А. Мақсудов. — Биз нафақат Тошкент вилояти, балки Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Фарғона водийсининг боғбонлари учун ҳам таралар етказиб беришимиз керак.

Шу мақсадда директор яқинда Италия элчихонаси билан маслаҳатлашиб, таралар тайёрлаш бўйича итальян автомат технологиясини сотиб олиш юзасидан зарур ҳужжатларни расмийлаштирди. У Туркия технологиясидан қимматроқ, лекин икки баравар унумдор ишлайди. Энди валюта кредитини ҳал этиш керак. Директорнинг ишончи комил, бу масала ҳал бўлади. Чунки республика банкларидан бири ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.



**СУРАТДА: ишчилар Ш. Мансуров ва Ф. Тўхтаева.**

**Агросаноат мажмуи ишчилари, Қибрай тумани тадбиркорлари Ўзбекистон аҳолисини, унинг меҳмонларини мамлакат Мустақиллигининг 8 йиллиги байрами билан қизғин табриклайдилар. Уларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, фаровонлик, жамият манфаатлари йўлидаги меҳнатларида улкан ютуқлар тилайдилар.**



*Қизилтепа туманидаги Бўстон қўрғонининг Тошпўлат Ҳамид номли маҳалласида мана 3 йилдирки, «Нигора» хусусий савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда. Дўконда асосан кундалик эҳтиёж моллари мавжуд. Кейинги пайтларда бу ерда бадиий адабиётлар, ўқув қуроллари билан савдо қилинаётгани аҳолини мамнун этмоқда.*

**СУРАТДА: дўкон сотувчиси Соҳиба Мансурова харидорлар хизматида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олга сурат.**

## УСТОЗЛАР ҚЎШИҚЛАРИ ШОГИРДЛАР ИЖРОСИДА

Мустақиллик асл қадриятларимизни тиклаш имконини берди. У ҳамма соҳада истеъдодларнинг ўзлигини намоён қилиши учун шарт-шароит яратди.

«Тошкент» телеканали «Туркистон» саройи концерт мажмуаси, «Сизам» радиостанцияси ва республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда «Асрдан-асрга» туркум кўрсатувлар тўпламини ташкил этгани бунга ёрқин далилдир.

Ушбу тадбирнинг биринчи туркуми шу йил 31 августда кўрсатилиб, 31 декабрь куни якунланади.

Мазкур лойиҳа дастурининг мақсади XXI аср ўзбек эстрадаси таъсирида ёшлар тарбиясини шакллантириш, кенг томошабинлар оммасини ёш санъаткорлар ижросидаги ўзбек миллий эстрадаси қўшиқлари билан таништиришдан иборат.

31 август куни эфирга узатиладиган кўрсатув Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланади.

Лойиҳа доирасида «Туркистон» саройида концертлар уюштириш, «Сизам» радиостанцияси орқали уни мунтазам бериб бориш режалаштирилган.

Кузатган бўлсангиз, ёш санъаткорлар Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров ижро этган қўшиқларни имкон қадар янгича усулда куйлашмоқда. Бу ҳам санъатнинг умрбоқий эканлигидан далолат. Демак, ўзбек эстрадасининг навқирон авлоди устозлари куйлаган қўшиқларни ўз ижросида томошабинларга ҳавола этади. Гала-концертда Равшан Намозов, Кумуш Раззоқова сингари таниқли қўшиқчилар, Лариса Москалёва, Ўктам Ҳакимов, Маъмура Қурбонова каби истеъдодли хонандалар, «Нола», «Осиё», «Истиқлол» сингари гуруҳлар иштирок этади.

**Ўз мухбиримиз.**





«ДИЁР»
САВДО УЙИ
SAVDO UYI ДИЁР TRADING HOUSE

*Ўзбекистон Республикаси*

**Мустақиллигининг 8 йиллиги**

*муносабати билан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади!*

**Бизнинг дўконларимизда Сиз учун зарур бўлган уй жиҳозлари ва бошқа сифатли моллар мавжуд!**

**Манзилимиз:**
**Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 30-а, тел. 55-14-84. «ДИЁР» N1**
**Амир Темур тор кўчаси, 6, тел. 34-63-39. «ДИЁР» N2**
**Бешёғоч даҳаси, 4, тел. 45-53-60. «ДИЁР» N3**

2071

**«СОХНУТ» ЯҲУДИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ ЎЗБЕК БЎЛИМИ**

*Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакат Мустақиллигининг саккиз йиллиги билан муборакбод этиб, унинг янада гуллаб-яшнашини тилайди! Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига умид қиламиз.*

®/2092

# ҚАНОТЛИ ҚУШ

**Президентимиз Ўзбекистоннинг XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш тамойилларини асосан олти устувор йўналиш орқали белгилаб берди. Уларнинг энг биринчиси мамлакат сиёсати ва иқтисодиётини эркинлаштиришга дахлдор бўлса, иккинчиси жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилгандир.**

**Маънавият муаммолари ҳамиша, ҳамма мамлакатларнинг диққат марказида турган. Лекин, хусусан, бизнинг, яъни яқинда ўз мустақиллигини қозонган мамлакатнинг маънавияти қайси қирраларда акс этиши керак?**

Юртбошимиз бу маънавиятнинг тамал тоши **«инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсоннинг ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучда»** эканлигига алоҳида урғу беради.

Бу «қудратли ботиний куч» нимада? Бой тарихий меросимиздами? Барҳаёт анъаналаримиздами? Уларда ҳам бўлиши мумкин. Лекин мен бу кучни кўпроқ мутолаада деб тасаввур қиламан. Юзаки эмас, тинимсиз мутолаада.

Агар халқимизнинг буюк ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, улуғ алломаларимиз мутолаа туфайли, ўзидан аввалги бойликларни қунт билан ўзлаштириш туфайли башариятнинг энг юксак чўққиларига кўтарилганлигини кўрамиз. Жумладан, Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ўн олти ёшимда эгаллаган билимимни кейин умрим давомида бойита олмадим, дейди. Хусусан, у Арастунинг «Метафизика» асарини юнон тилида қайта-қайта ўқиб ҳам мағзини чақолмаганлигини, Форобийнинг бу асарга араб тилида ёзган шарҳларини ўқигандан кейингина унинг моҳиятини англаб етганлигини таъкидлайди. Айни чоғда биз бу тарихий далилдан Форобийнинг билим салоҳияти нақадар улуғ бўлганлигини ҳам англаймиз. Зеро, унинг «Муаллими соний», яъни башариятнинг иккинчи муаллими унвонини олганлиги бежиз эмас.

Буюк бобомиз Беруний-чи? Ҳиндистонга бориб, ҳатто бу мамлакат олимлари учун ҳам номаълум бўлган кўҳна қўлёзмаларни топиб мағзини чақиб чиқади.

Мутолаа қудрати тарихда буюк салтанатларни яратган. Хусусан, қадимги Хитойда ўз адабиётини билмаган, жаҳон маданиятидан хабардор бўлмаган шахслар юксак лавозимларга кўтарилмаган экан.

Агар мозийдаги Уйғониш даврлари дея аталмиш инсоният тафаккурининг юксак нуқталарга кўтарилган паллаларига таҳлил назарини солсак, бу жараёнлар дунёдаги илм ва адабиёт дурдоналари мужассам бўлган ҳудудлар даражасида юзага чиққанлигини кўрамиз. Жаҳоний билимларнинг араб тилига таржима қилинганлиги арабий лисондаги халқларга, давлатларга бемисл даҳоларни, буюк алломаларни берди. Айни чоғда улар, яъни ал-Хоразмию ал-Фарғонийлар, ал-Бухорию ал-Жавҳарийлар — бу саноқни давом эттириш мумкин — жаҳон цивилизациясининг пойдеворини яратдилар.

Мен тарихда содир бўлган мана шундай буюк жараёнларнинг илк аломатларини ўз мустақиллигини қозонган мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам ҳис қилиб, бундан руҳимда ифтихор туяман. Жумладан, шахсан Президентимиз томонидан ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» журнали ана шундай буюк неъматлардан эмасми? Зеро, озод шахсни, комил инсонни башарият маънавиятидан бебаҳра тарзда шакллантириб бўладими? Истибдод асоратларидан, тафаккурдаги мутеликдан дунёвий ҳурфикрликни ўрганмай туриб қутулиб бўладими?

Лекин мазкур журнал ҳаётдан ўз ўрнини топа биляптими? Унинг ташкил этилиши ҳақидаги Фармонни ўқиб ҳаяжони юрагига сиғмаган айрим адабиёт ихлосмандлари башорат қилганларидек, ҳар бир сони талаш бўлиб кетмоқдами? Афсуски, ундай эмас.

Юксак сифатли қоғозда босилаётган салмоқли ҳажмдаги бу журналнинг сотилиши ва обунаси ниҳоятда арзон баҳода.

Бугунги кунда баъзи ёшларнинг мутолаадан йироқлашиб кетганлигини турлича изоҳлаш мумкин. Зеб-ҳашамларга ҳаддан ташқари маҳлиёлик, ҳамма нарсадан пулни, бойликни ортиқ кўриш, унга сиғиниш, телевидение орқали кириб келаётган савияси паст турли кўрсатувларнинг таъсирида қолиш оқибатидир бу, эҳтимол. Аммо бу таъсирлардан кўз юммаган ҳолда ёшларни катта мақсадларга, яхши анъаналарга жалб этиш имкониятлари ҳам йўқ эмас-ку, ахир. Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан яқинда қилган суҳбатида бу муаммолар доирасида тўхталиб, **«мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилотлар ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим»,** дея уқтирди-ку, ахир.

Бу борада синалган тажрибалардан фойдаланиш мумкин эмасми? Мумкин, албатта. Масалан, илгари «китобхонлар анжумани» деган гаплар бўларди. Маълум бир янги асар устида қизғин баҳслар уюштириларди. Ҳозир-чи? Нега ҳозир бу тажрибани қайта жонлантирмаслик керак? Ҳар ойда чоп этилаётган «Жаҳон адабиёти» журналидаги асарларни ўқинг. Уларнинг ҳар бири ўзбек китобхони учун янги ва долзарб эмасми? Масалан, И. Буничнинг «Партиянинг олтинлари» бутун мамлакат бўйлаб китобхонлар анжуманлари ўтказишга арзимасмиди? Шўролар тузуми моҳиятининг авра-астарини чиқариб ташлаган бу асар ҳали ҳам айримлар кўнглида яшаб турган «доҳийлар» ҳайкалларини кунпаякун қилиб ташламадими? Қувайтлик ёзувчи Лайло Усмоннинг «Васмия денгиздан қайтиб чиқади» асари-чи? Инсондаги севги-муҳаббат ва вафо-садоқатни шунчалар олий мақомда куйлаган, бадиий жиҳатдан юксак ва мазмун жиҳатидан долзарб бундан ортиқ асарни топиб бўладими?

Биз ҳаммамиз миллатсевармиз. Лекин кундалик ҳаётдаги камчилик ва қусурларни ҳам кўра билмоғимиз ва уларни бартараф қилиш йўллари устида бош қотирмоғимиз ҳам лозим эмасми? Зеро, бугунги кунда одамлар моддий нарсаларга кўпроқ ружу қўйиб юбормаяптими? Уйларимизга зеб бериб, уларни мебелу биллурларга тўлдириш билан овора бўлиб қолмаяпмизми? Фарзандини ўзбекчалик севадиган, ардоқлайдиганлар кам дунёда. Бу ҳақиқат. Бизда ҳар бир ота-она ўғлим деб, қизим деб сеп йиғади. Лекин камдан-кам одамларнинг фарзандига ноёб бир китоб ахтарганини ёки санъат асари совға қилганини биламиз, холос.

Гуржиларда бир ажойиб удум бор. Ҳар бир ота-она қизини узатаётганида унинг қимматбаҳо сеплари орасига энг мўътабар сеп қилиб Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини ҳам қўшаркан. Бизчи? Бизлар қизларимизнинг сепига «Ўтган кунлар»ни ёки Навоий достонларини қўшсак арзимайдими?

Маънавият ҳамиша парвариш ва жиддий эътибор талаб қиладиган соҳадир. Айни чоғда маънавият мутолаадан озиқланади, куч-қудрат топади. Мутолаасиз маънавият бамисоли қанотсиз қушдир. Қанотсиз қуш эса юксаклик ва ёркин уфқларни кўзлай олмайди.

**Мирпўлат МИРЗО.**

# ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Андижондаги 2511-автокорхона жамоаси шу йил 1 сентябрдан бошлаб талаба ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашиш мақсадида 1999-2000 ўқув йилида вилоятнинг барча шаҳар ҳамда туманларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари учун шаҳар автобусларида йўл кира ҳақини 30 фоиз арзонлаштиришга қарор қилди.

Автомобилчилар вилоятда мулкчилик шаклидан қатъий назар, йўловчи ташишга хизмат қилаётган барча ҳамкасбларини ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақиришди.

**К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.**



# БИР ТУМАННИ ТЎЙДИРАЁТГАН КОРХОНА



**Эрталабки нонуштада янги узилган иссиққина нонни тановул қилишни ким хоҳламайди, дейсиз. Янгийўл тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли Одил Бекхўжаев номидаги нон корхонасига кириб борар эканман, димоғимга ажиб нон ҳиди урилганида, аввало, ана шу фикр хаёлимдан ўтди.**

**Аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, нон ва нон маҳсулотлари тайёрланадиган бу корхонанинг меҳнат самарадорлиги доим юқори.**

**Хўш, бунга қандай эришилмоқда?**

— Шу саволингизни турдош корхоналарнинг раҳбарлари ҳам кўп маротаба беришади, — деди корхона директори, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Ўлмас ака Машарипов кулиб. — Албатта, биз Америка очаётганимиз йўқ. Фақат ишчиларнинг меҳнат қилиши учун етарлича шароит яратиб бериб, уларнинг хизматини вақтида рағбатлантириб бораяпмиз, холос. Одамларнинг фаоллиги ошаяпти, онгу шуури ижобий томонга ўзгараяпти, мен сизга айтсам. Энди уларнинг эрталаб соат 9 дан кеч соат 6 гача ишда бўлишини назорат қилишга асло ҳожат йўқ. Чунки қанчалик унумли, сифатли меҳнат қилишса, моддий манфаатдорлиги шунчалик кўп бўлишини яхши билишади. Эшик олдида ўтирган қоровулдан тортиб, биринчи раҳбаргача меҳнатга муносабати тубдан ўзгарган.

Ўлмас ака узатган маълумотномага кўз югуртираман: шу йилнинг ярим йиллигида ишлаб чиқарилган нон ва нон маҳсулотлари — жами 1375 тонна. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 123 тонна кўп демакдир, қандолат маҳсулотлари — 13,6 тонна, макарон — 21,1 тонна, музқаймоқ — 12,0 тонна. Акциядорларнинг ҳар бир акциясига 1200 сўмдан дивиденд тўланган. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 5500 сўмни ташкил қилади.

— Туманимиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини айнан бизнинг корхонамиз нон билан таъминлаётир, — сўзида давом этди директор. — Бу ёғини сўрасангиз, ширмой нонларимиз ҳеч қачон дўкон пештахталарида туриб қолган эмас. Бу эса маҳсулотимиз сифатидан далолат. Ноннинг қанчалик ширин ва хуштаъм бўлиши хамирга меҳрни қўшиб қоришда...

Шу пайт эшик тақиллаб, иссиққина нон кўтарган бир киши кириб келди. Хонани бир зумда ноннинг хушбўй ҳиди тутиб кетди.

— Ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарим Мақсуд Маҳмудов бўладилар, — таништирди Ўлмас ака. — Бутун умрини шу корхона билан боғлаган, десам ишонаверинг, 25 йилдан буён шу ерда ишлайдилар.

Мақсуд ака билан нон пишириш цехларини айланиб чиқдик. У ердаги озодалик, саранжом-саришталикни кўриб, кайфиятим яна бир карра кўтарилди. Корхона ҳудуди ҳам ёғ тушса ялагудек.

— Мана бу мосламани қопсиз ун ташиш механизми деб атаймиз, — деди ҳамроҳим, — илгари унни қопларда ташиб келтирар эдик. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бунга кўп маблағ сарфланиши билан бирга ошиқча вақт ҳам кетади. Шунинг учун мана шу мосламани ўрнатдик. Аслида у ишга туширилгунча миллион-миллион харажатни тақозо этарди, лекин биз керакли қисмларини сотиб олиб, ўзимизнинг қўли гул ходимларимиз ёрдамида монтаж қилганимиз боис, у бизга атиги 740 минг сўмга тушди. Биласизми, фақат қопсиз ун ташишнинг ўзидан 1,5 миллион сўм тежаб қолаяпмиз.

Марҳамат Акбарова, Анора Раҳматуллаева, Роза Маъруфалиева, Ҳабиба Мелибоева каби ишчилар билан суҳбатлашганимда, уларнинг сўзларидаги қатъийлик, нигоҳларида порлаётган нурни кўриб қилаётган меҳнатларидан, олаётган даромадларидан мамнун эканликларини сездим.

— Нон азиз, уни эъзозлаган инсон ундан ҳам азиз, — суҳбатга қўшилди Ў. Машарипов. — Бу аёллар 50-60 даража иссиқда меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам уларга янада қулай шароит яратиш мақсадида эркаклар ва аёллар учун алоҳида дам олиш хоналари, тиббиёт пункти қурилишини бошлаб юборганмиз. Насиб қилса, Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйига биноларнинг устини ёпиб, шу ерда барча ходимларимиз ва меҳмонларга байрам палови тортмоқчимиз. Бундан ташқари, меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходимга қўшимча бир ойлик маош миқдорида пул бераяпмиз.

Ў. Машариповнинг тўлиб-тошиб сўзлаши бежиз эмас. Гапнинг индаллосини айтганда, ишлайдиган, унинг роҳатини кўриб яшайдиган замон келди. Меҳнат ҳеч қачон ерда қолмайди, меҳнаткаш инсон элда қадр топади, бой бўлади. Бойлари бор, шоҳи одил юрт эса обод, фаровон, осойишталиги барқарор, сарҳадлари мустаҳкам бўлади.

— Менинг бир нарсадан қувончим чексиз, — суҳбатимизга якун ясади Ўлмас ака. — Ҳар қандай жамиятда бир тузумдан иккинчисига ўтилганда юзага келадиган иқтисодий бўҳронлар одамларни танг аҳволга солиб қўйиши табиий. Аммо Ўзбекистон ана шу жараённи ҳам четлаб ўта олди. Содда қилиб айтганда, олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли бозор иқтисодиётига ўтишда ҳеч кимнинг бурни қонашига йўл қўйилмади.

Саккиз йил олдин эришилган Истиқлол боис, энг аввало, эркинлик, озодлик, лўнда қилиб айтганда, ўзбекнинг ўзига беклигини, Мустақилликдек буюк неъматнинг миллат, Ватан тақдиридаги ўрнини теран мушоҳада этишга, мантиқий хулосалар чиқаришга ўрганаяпмиз. Кеча ким эдиг-у, бугун кимлигимизни тушуниб етдик. Ўтиш давридаги энг катта ютуғимиз ҳам шу эмасми, аслида?

**Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# «СИЁБ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

*Самарқанддаги бу кўҳна бозорни билмайдиган кишини топиш қийин бўлса керак. Мустақиллик йилларида «Сиёб» бозорида ҳам катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Унинг майдони 3 гектардан 9 гектарга кенгайтирилди, янги-янги савдо расталари барпо этилди. Бозор марказида эса 5 та фаввора қурилиб, ишга туширилди. Ана шу бунёдкорлик ишига кўплаб қурилиш ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшдилар.*

**СУРАТЛАРДА: полиз маҳсулотлари растасида; бозорга ана шу дарвозадан кирилади.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Замон ва тафаккур

# МИЛЛИЙ ҒОЯ: МОҲИЯТ ВА МАЗМУН

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан буён ўтган давр ичида мамлакатимизда маънавий-маданий уйғониш, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари босқичма-босқич ва изчил давом этмоқда. Бундай тарихий жараёнда, кишиларнинг тафаккури, дунёқарашининг ҳаёт ҳодисаларига таъсири ёки «миллий ғояни тўғри тушуниш» ғоят муҳим роль ўйнайди.

Жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларнинг муваффақиятли бориши, фуқароларни, айниқса, ёшларни инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш миллий ғоянинг кишилар онгига нақадар теран сингишига боғлиқ эканлиги алоҳида исботга муҳтож эмас.

Мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ислоҳотлар концепциясида инсон, унинг хилма-хил эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, интилишлари ва имкониятлари асосий ўринга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти инсон табиатининг хилма-хил кўринишлари орқали юзага чиқиши лозим. Бу эса, биринчи навбатда, инсоннинг ўзини ўзгартиришга олиб келади, уни ижтимоий тараққиётнинг асосий омилига, жамият ривожининг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради.

Миллий ғоя — теран илдизларга эга бўлмасдан, тасодифан, ўз-ўзидан пайдо бўладиган нарса эмас.

Миллий ғоя — миллат, халқнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ижтимоий мақсадлари ва идеалларининг, умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг маънавияти ва менталитетининг ифодасидир. И. Фихте томонидан ғояга берилган баҳо бугунги кунда ҳам тўғри, яъни «ғоя ҳаётга сингиб кирган жойда буюк қудрат ва куч беради, фақат ғоягина қудрат манбаидир».

Лекин айни пайтда миллий ғоя — тарих, маданиятнинг инъикосидир, унда ўтмиш ва ҳозирнинг ҳаётбахш, ижобий маънавий қудрати, миллийлик ва умуминсонийлик ўз аксини топади.

Бир миллат, бир халқ муҳим ҳаётий манфаатларининг бошқа миллатлар ва бошқа халқлар манфаатлари билан уйғунлашуви, мувофиқлашуви миллий ғояни бир давлат халқларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари ифодачисига айлантиради, бошқа давлатлардаги турли миллатлар билан жуда ўхшаш, бир хил ғояларга эга бўлиш имкониятларини яратади.

Миллий ғоя, биринчи навбатда, ижтимоий онг ҳодисаси тарзида, борлиқнинг инъикоси тарзида мавжуд бўлади. Айни пайтда у жамиятга таъсир кўрсатишнинг фаол омили, ижтимоий турмушни ислоҳ қилиш воситаси, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий томонларини ўзгартириш амалиёти ҳам.

Умуминсоний ва инсонпарвар қадриятларга зид қўйиладиган ғоя истиқболга эга бўлмай, охир-оқибат, ҳалокатга маҳкумдир. Кишиларни инсон, миллат, халқ, жамият, инсонпарварлик, ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида курраи заминда ҳаёт тантанаси учун бирлаштирадиган, жипслаштирадиган миллий ғоягина чинакам қадрият ҳисобланади.

Миллий ғоя миллатнинг ҳақиқат, адолат, мустақиллик, озодлик, тинчлик ва тотувлик, умумий бахт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари, эътиқоди, ишончи, интилишларининг рационал ифодаси тарзида юзага чиқади. Миллий ғоя кишилар ўртасидаги ирқий, ижтимоий ва этник мансублик, эътиқод ва бошқалардаги фарқларни муҳим билмаган ҳолда миллат, халқ, жамият бирлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади.

Бундай миллий ғоя миллий мафкуранинг вужудга келишида ўзига хос пойдевор, негиз вазифасини ўташга қодир бўлади, чунки миллий ғоя миллий мафкуранинг энг муҳим томонларини ифода этади ва акс эттиради. Миллий ғоянинг моҳияти ижтимоий қатламлар, партиялар, этник гуруҳлар, халқ, миллат ва давлатнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига хос бўлган энг муҳим, асосий, умумийликнинг мантиқий асосланган ҳолда ифода этилишидир. Масалан, мустақил Ўзбекистон Республикасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга интилиш ана шундай асосий ва умумийликни ташкил этади. Миллий ғоянинг моҳияти миллат, халқ, давлат ижтимоий тараққиётининг мақсадларини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилишдан иборатдир. Шу сабабли, миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади.

Яна шуниси ҳам борки, объектив таҳлиллар кўрсатганидек, миллий ғоя миллат, халқ, жамиятнинг ҳис-туйғулари, қарашлари, энг муҳим ва барқарор эҳтиёжлари ҳамда манфаатлари, уларнинг менталитети, мақсадлари, интилишларининг рационал ифодаси тарзида ижтимоий психологияни мафкура билан боғловчи муҳим бўғин ҳисобланади.

Миллий мафкуранинг моҳияти ва мазмуни нимадан иборат?

Бу, назаримизда, илмий асосланган ва тегишли тарзда ифодаланган миллий эҳтиёжлар, миллат таркибидаги турли гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари ифодаланган қарашлар, ғоялардир, идеаллар ва ривожланишнинг аниқ мақсадларидир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш амалиёти демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган, ривожланган фан, техника, маданият, таълим-тарбия тизими ва бошқаларга эга бўлган адолатли инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуришга йўналтирилган миллий мафкура ўзбек миллатининг, Ўзбекистондаги барча халқларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини тўлиқ ҳолда ифода этишига гувоҳлик беради.

Миллий ғоя — моҳият-эътибори билан олганда, жаҳондаги барча мустақил давлатлар ўзининг ички ва ташқи сиёсатида асосланадиган бош омилдир. Албатта, турли давлатларнинг миллий ғоялари бир-биридан миллат ҳаётининг тарихий, ижтимоий, маънавий-маданий ўзига хосликларини, географик, геосиёсий, геостратегик, макон-замон шароитларини ва бошқаларни объектив ифодалаши билан фарқ қилади. Шунингдек, миллий ғоялар биз юқорида санаб ўтган шароитлар ва омилларнинг объектив ифодаланиш даражаси билан ҳам, улардаги (миллий ғоялардаги) миллий ва умуминсоний қадриятларнинг турли даражадаги нисбатлари ва бирлиги билан ҳам фарқ қилади.

Барча миллатлар, халқлар, мамлакатлар ўзларининг ҳаёт шароитларининг ўзида, борлиғининг ўзида нафақат яккалик ва хусусийликнинг, балки умумийликнинг асослари ҳам мавжудлигини тушуниб етишлари керак.

Миллатлар, халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларнинг зарурлиги, уларнинг ҳамкорлиги, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик, умумий ва энг умумийлик билан бирга яккалик ва хусусийликнинг объектив жиҳатдан аҳамияти ортишини назарда тутади.

Ҳозирги замон шароитида миллий ғоялар миллатлар, халқлар, мамлакатлар, давлатлар, минтақаларни бир-биридан узоқлаштиришга эмас, балки уларнинг бирлашувига, бутун инсоният ҳамжамияти бирлигига ёрдам бериши лозим. Биз шу сабабдан ҳам ўрта асрлар давридаёқ бундай интилишлар асосларини яратган буюк ватандошларимизнинг маънавий-маданий меросини қадрлаймиз. Хусусан, бу меросинг жаҳон маданияти ва цивилизацияси, ижтимоий тараққиёт учун ўлмас аҳамияти ҳам шунда. Демак, бу уларнинг оламни асраш, қашшоқлик, саводсизлик, маънавиятсизлик, касалликлар, хавф-хатар, можаролардан халос бўлиш ҳақида бизга ва барча халқларга хайрбоди, васиятидир.

Миллий ғоя ва миллий мафкура ижтимоий тараққиётда буюк ва бебаҳо аҳамиятга эга бўлар экан, жамиятшунослар, айниқса, файласуфларнинг диққат-эътибори миллий ғоя, миллий мафкурани шакллантириш ва янада ривожлантириш, уларни жамиятнинг барча аъзолари, айниқса, ёшлар онгига, турмуши ва фаолиятига сингдириш муаммоларини теран тадқиқ этишга қаратилиши керак. Бу — севимли Ватанимизнинг буюк келажаги сари энг тўғри йўлдир.

**Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.**

